



ЖУРНАЛ ИССЛЕДОВАНИЙ И РАЗВИТИЯ THE JOURNAL OF RESEARCH AND DEVELOPMENT ТАДҚИҚОТ ВА ТАРАҚҚИЁТ ЖУРНАЛИ

ISSN: 3030-3281. Volume I, Issue-12, (December) 2024
Journal homepage: <https://imfaktor.com/index.php/tjrd>

ҲАСАНОВ Шахзод Ўрал ўғли
*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
хузуридаги Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби
магистранти*

ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИНИНГ ТРАНЗИТ ИМКОНИАТЛАРИ КЕНГАЙТИРИШ ИСТИБОЛЛАРИ

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада темир йўл транспортининг транзит имкониятларини кенгайтириш масалалари таҳлил қилинган. Ўзбекистонда темир йўл тармоқларининг модернизацияси, янги йўналишларни куриш ва халқаро алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилган ислохотлар ўрганилган. Тадқиқотда транспорт-логистика тизимини ривожлантириш, рақобатбардошликни ошириш ва халқаро юк ташиш имкониятларини кенгайтириш бўйича тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: Темир йўл транспорти, транзит имкониятлари, транспорт инфратузилмаси, логистика, модернизация, халқаро алоқалар, иқтисодий ривожланиш, транспорт стратегияси.

АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются вопросы расширения транзитных возможностей железнодорожного транспорта. Анализируются процессы модернизации железнодорожных сетей, строительства новых маршрутов и укрепления международных связей в Узбекистане. Исследование направлено на разработку рекомендаций по развитию транспортно-логистической системы, повышению конкурентоспособности и расширению международных грузоперевозок.

Ключевые слова: Железнодорожный транспорт, транзитные возможности, транспортная инфраструктура, логистика, модернизация, международные связи, экономическое развитие, транспортная стратегия.

ANNOTATION

This article addresses the expansion of transit opportunities in railway transport. It analyzes the modernization of railway networks, the construction of new routes, and the strengthening of international connections in Uzbekistan. The study proposes recommendations for developing the transport and logistics system, improving competitiveness, and increasing international freight transport capacity.

Keywords: Railway transport, transit opportunities, transport infrastructure, logistics, modernization, international connections, economic development, transport strategy.

Транспорт тизимининг ҳолати ва ривожланиши Ўзбекистон Республикаси учун жуда муҳим аҳамият касб этади, чунки у бошқа инфратузилма тармоқлари билан бирга жамият фаолияти учун асосий шароитларни таъминлайди, ижтимоий-иқтисодий ва ташқи сиёсат мақсадларига эришишда муҳим элемент сифатида хизмат қилади.

Транспортнинг тарихан ривожланиши Ўзбекистоннинг иқтисодий ва макон нуқтаи назаридан ривожланишини белгилаб беради, унинг яхлитлиги ва халқаро таъсири мустаҳкамланишига кўмаклашади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон фармони билан тасдиқланган 2022 - 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида транспорт соҳасида ташқи савдо учун «яшил коридорлар» ҳамда транзит имкониятларини кенгайтириш ва транзит юк ҳажмини ошириш вазифаси белгиланган бўлиб ўни амалга ошириш мақсадида «Ўзбекистон - Қирғизистон - Хитой» темир йўл линиясини куриш лойиҳасини ҳамда «Термиз - Мозори Шариф - Қобул - Пешовар» темир йўл линиясини куриш лойиҳасини жадаллаштириш вазифалари юклатилган [1].

Ўзбекистон темир йўллари Ўрта Осиёдаги йирик транспорт тизимларидан бири, темир йўл транспорти барча давлатлар иқтисодиётининг қон томири ҳисобланади. Эътиборлиси, темир йўлчиларимизнинг кўч ғайрати билан кейинги йиллари 1 минг 400 километрдан зиёд янги темир йўл тармоғи барпо этилди, 3 минг 800 километрлик йўл модернизация қилинди ва қарийиб 3500 километрлик темир йўл магистраллари электрлаштирилди. Натижада темир йўлларнинг умумий узунлиги 7 минг 500 километрга етди ва улар мамлакатимизнинг барча минтақаларини қамраб олиш имконига эга бўлди.

Фарғона водийсини мамлакатнинг бошқа ҳудудлари билан ишончли транспорт алоқасини боғловчи, Қамчиқ довонидан 19,2 километр узунликдаги ер ости йўли орқали ўтувчи янги Ангрэн–Поп электрлаштирилган темир йўл линияси курилди. Мазкур темир йўlining фойдаланишга топширилиши билан мамлакатимизни барча ҳудудларини қамраб олувчи ягона тўлиқ темир йўл тизими яратилди.

Тошкент–Бухоро ва Бухоро–Тошкент йўналиши бўйича юқори тезликда ҳаракатланадиган “Афросиёб” йўловчи электр поездлари қатнови йўлга қўйилди. 291,5 км узунликдаги Самарканд–Бухоро темир йўл қисмини электрлаштириш лойиҳаси ажунланди.

Ўзбекистон ҳудудида бу транспорт тури ягона, табиий яхлит ишлаб чиқариш-технология комплекси сифатида фаолият юритади. Умумий темир йўл комплексининг барқарор ва самарали фаолияти Ўзбекистон Республикаси ягона иқтисодий маконини таъминлаш, унинг ҳудудида саноат ва қишлоқ хўжалиги бўйича турли тармоқларни янада ривожлантириш, мамлакат аҳолисининг турмуш даражаси ва шароитини яхшилаш, Ўзбекистон фуқароларининг сафарбарлигини оширишнинг зарур шарти ҳисобланади.

Темир йўл транспорти тизими ҳолатини баҳолаш, унинг ривожланиш истиқболлари ва тенденцияларини таҳлил этиш бўйича тадқиқотларни олиб бориш, тармоқнинг узоқ муддатли стратегиясига, жорий сиёсатига бевосита таъсир этади ҳамда молиявий, ишчи кучи ва моддий-техник ресурсларга бўлган эҳтиёжни аниқлашга ҳамда уни ривожлантириш режасини ишлаб чиқишга асос бўлади.

Шунинг учун темир йўл транспорт тизимининг фаолият кўрсаткичларини, транспорт ва коммуникацияларнинг ривожланиш босқичларини ўрганиш ҳамда мавжуд муаммоларни таҳлил этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти ташкил этилган даврдан буён юк ташишлар 1,5 баробар, йўловчи ташиш 1,3 баробар ўсди. Умуман, 2023 йилда темир йўллар орқали қарийиб 73,8 миллион тонна юк ташилгани ва 9,7 миллион йўловчи ташилган, бу 2022 йилга нисбатан 7,7 фоизга кўп бўлиб юртимизда мазкур тармоқнинг салоҳияти ва имкониятлари тобора кенгайиб бораётганидан далолатдир [2].

Транспорт хизматлар бозорида мавжуд ички рақобат таҳлил қилинса, умумий юк ҳажмида умумфойдаланиш темир йўл транспорти томонидан ташилаётган юк ҳажми улуши йилдан йилга камайиб бораётганлигини кузатиш мумкин.

Бунинг асосий сабабларидан бири, тармоқда рақобатбардошликнинг пасайиб бораётганлигига транспорт-экспедиция ва транспорт-логистика тизимларининг ривожланмаганлиги ҳамда профессионал ташувчиларда тадбиркорлик қобилиятининг етарли даражада эмаслиги каби омиллар ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Аммо, темир йўл транспортининг капитал сифими юқорилиги ва ҳаракат йўналишларининг чекланганлигига қарамай катта партияли юк ва йўловчиларни узоқ масофаларга ташишда у билан рақобатлашадиган транспорт тури ҳали мавжуд эмас.

Жадвалда 2019-2023 йиллар оралиғидаги Темир йўл транспортида йўловчи ташиш ва асосий кўрсаткичларнинг таҳлили ҳақида маълумотлар келтирилган.

Жадвал [3]

давр	Йўловчи айланмаси, млн.йўл-км	Йўловчи сони, мингда	Даромад, млрд.сўм	Харажат, млрд.сўм
2019	4,385.2	23,327.40	379.0	287.7
2020	1,794.9	6,279.00	228.0	214.9
2021	3,130.2	7,968.20	335.3	296.1
2022	3,549.4	9,139.20	415.4	347.8
2023	3,962.7	10,069.20	532.8	468.3

2019 йилгача йўловчи айланмаси (млн.йўл-км) ижобий тенденцияни кўрсатади. 2019 йилда 4,385.2 млн.йўл-км га ошган. 2020 йилда пандемия таъсири билан йўловчи айланмаси сезиларли даражада камайган (1,794.9 млн.йўл-км).

2021 йилдан бошлаб яна ўсиш тенденцияси кузатилмоқда, 2023 йилга келиб 3,962.7 млн.йўл-км га етган. 2014 йилдан 2019 йилгача йўловчи сони (мингда) ҳам ўсиш кўрсатмоқда. 2014 йилда 19,846.70 мингдан 2019 йилда 23,327.40 мингга кўтарилган.

2020 йилда пандемия туфайли йўловчи сони камайган (6,279.00 минг). 2021 йилдан 2023 йилгача йўловчи сони яна ўсишга кўчган, 2023 йилда 10,069.20 мингга етган.

Даромад 2019 йилда 379.0 млрд.сўмни ташкил этган. 2020 йилда пандемия туфайли даромад 228.0 млрд.сўмга камайган, аммо 2021 йилдан 2023 йилгача барқарор ўсиш кузатилмоқда (2023 йилда 532.8 млрд.сўм).

Харажатлар ҳам 2020 йилда ўтган даврга нисбатан 214.9 млрд.сўмга тушди. 2021 йилдан 2023 йилгача яна ўсиш кузатилди (2023 йилда 468.3 млрд.сўм). 2014-2019 йилларда ўсиш тенденцияси, 2020 йилда пандемияга оид камайиш ва 2021-2023 йилларда қайтадан ўсиш.

Даромадлар ва харажатлар орасида мос равишда ўсиш ва камайиш, лекин даромадлар доимий равишда ошишда. Ушбу таҳлил, транспорт соҳасидаги иқтисодий ҳаракатларни, шунингдек, пандемиянинг таъсирини кўрсатади. Келажакда, транспорт секторининг тикланиши ва ўсиши учун самарали стратегиялар ишлаб чиқиш муҳимдир [4].

Ижтимоий-иқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсишни таъминлашда темир йўл транспортининг алоҳида аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати, минтақавий ва маҳаллий ҳокимият идоралари, корхона ва темир йўл транспорти ташкилотлари ҳаракатларини мослаштириш ва бошқариш бирлиги принципларида тармоқнинг мутассил, хавфсиз ва самарали фаолиятини таъминлаш устувор вазифалардан бирига айланади.

Кўриниб турибдики, ушбу чора-тадбирлар Шарқ-Ғарб транспорт йўлакларини ривожлантиришга йўналтирилган. Бироқ Ўзбекистон «Жануб» йўналишида ҳам фаол қадамларни қўймоқда. 2003 йил июнь ойида трансфғон йўлагини яратиш бўйича кўп томонлама келишувга эришилган, у Термиз шаҳридан бошланади, Афғонистоннинг Мозори-Шариф ва Хирот шаҳарлари орқали ўтади ва Эроннинг Бандар-Аббос ва Чахбехар портлари

билан туташади. Бу йўл Марказий Осиё мамлакатларининг Жаҳон денгиз коммуникацияларига чиқишини таъминлайдиган янги маршрутларни очади. Агар Ўзбекистон мустақилликнинг дастлабки йилларида асосан шимолий йўналишдаги транспорт йўлакларидан фойдаланган бўлса, эндиликда яқин келажакда республика юқларининг 50 фоиздан ошиғи альтернатив (жанубий) транспорт-иқтисодий йўлаклари орқали ташилишига умид билдирмоқда [5].

Ўзбекистон транспорт стратегиясининг ўзаги бўлиб ҳисобланадиган лойиҳа яна бир лойиҳа “Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон” темир йўли қурилиши лойиҳаси бўлиб, унинг умумий узунлиги тахминан 454 километрни ташкил этади, шундан 280 километр Қирғизистон ҳудудидан ўтиши режалаштирилган. Линияда умумий 18 та станция, узунлиги 26,1 км 81 та катта ва ўрта кўприклар, узунлиги 120,39 км 41 та туннел қурилади. Кўприклар ва туннелларнинг жами узунлиги 146,49 км бўлиб, бу линия умумий узунлигининг 47,0% ни ташкил қилади [6].

Ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши Шарқий Осиёдан Яқин Шарқ ва Жанубий Европа мамлакатларига бўлган йўлни тахминан 900 км, юқ етказиб бериш муддатларини эса 7-8 суткага камайтиради. Дастлабки прогнозларга кўра, юқ ташиш ҳажми йилига 12-15 миллион тоннани ташкил этади.

«Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон» темир йўлининг қурилиши лойиҳада иштирок этувчи мамлакатлар транспорт инфратузилмасини ривожлантириш стратегиясининг муҳим элементи бўлиб, мамлакатларга нафақат ижтимоий-иқтисодий самара, балки минтақалараро алоқаларни ҳам мустаҳкамлайди. «Хитой-Қирғизистон-Ўзбекистон» темир йўли қурилиши 2024 йил йил 27 декабрь куни бошланди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг ушбу муаммоларни ҳал қилиш борасида ташаббуслари ва фаолияти натижалари ўзининг ижобий самарасини беради. Ташқи кучларнинг Марказий Осиёда, жумладан, транспорт ва коммуникацияларни ривожлантириш соҳасида ўзларининг таъсирини кучайтириш учун рақобатнинг кучайиши муҳимликда бундан кам бўлмаган бошқа бир омил бўлиб ҳисобланади, улар учун Ўзбекистон ҳудудида ҳам, кўшни мамлакатларда ҳам транспорт йўлақларини ривожлантириш масаласи муҳим стратегик аҳамият касб этади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки Ўзбекистон темир йўл транспорти иқтисодий тараққиётнинг муҳим тармоғи бўлиб, унинг самарадорлигини ошириш стратегик аҳамиятга эга. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, темир йўл инфратузилмасини модернизация қилиш, рақамли технологияларни жорий этиш ва халқаро ҳамкорликни кучайтириш орқали тармоқнинг рақобатбардошлиги ошади. Ҳукумат томонидан амалга оширилаётган ислохотлар натижасида Ўзбекистон халқаро логистикада марказий ҳабга айланиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон.
2. Сенат «Темир йўл транспорти тўғрисида»ги қонунни маъқуллади. Асосий маълумотлар 2 октябр 2024
<https://www.gazeta.uz/uz/2024/10/02/railway/>
3. “Ўзбекистон темир йўллари” АЖга қарашли бўлган “O‘ztemiryo‘lyo‘lovchi” статистик маълумоти тахлили, 2014-2023.
4. Озатбеков Ю.Ф. Темир йўл транспортида йўловчи ташиш фаолиятини ривожлантириш йўналишлари УО‘К: 351.862.667
5. «Экономика Узбекистана» - Информационно-аналитический бюллетень за январь – декабрь 2016 года.
6. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати партали <https://old.gov.uz/uz/news/view/37014>